Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 27 ноябрь 1973 йил, сешанба ◆ № 279 (15.773). ◆ Баҳоси 2 тийин.

САМОЛЁТДАН ЙЎЛЛАНГАН ТЕЛЕГРАММАЛАР

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Афғонистон Республикасининг давлат бошлиғи ва Бош министри Муҳаммад Довудга самолётдан телеграмма йўллади. Телеграммада бундай дейилади: Афғонистон Республикаси территорияси тепасидан учиб бора туриб Сизга, Марказий Комитетга, Республика ҳукуматига, дўст афғон халқига самимий табрик ва энг яхши истаклар йўллайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона яхши қўшничилик ва яқин ҳамкорлик муносабатлари, совет ва афғон халқларининг манфаатлари, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш йўлида янада ривожланади, деб ишонч билдираман.

Л. И. Брежнев Покистон Бош министри Зулфиқор Али Бхуттога ҳам телеграмма йўллади.

Покистон территорияси тепасидан учиб бора туриб, дейилади телеграммада, Сиз Бош министр жанобларига, Покистон ҳукуматига ва халқига энг яхши истакларимни йўллайман.

Мамлакатларимиз халқлари ва ялпи тинчлик манфаатлари йўлида Совет Иттифоқи билан Покистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга бўлган самимий истакларимизни изҳор қиламан.

(ТАСС, 26 ноябрь).

ҲИНДИСТОН ДИЁРИДА САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Расмий дўстона визит билан Ҳиндистонга бораётган КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми аъзоси ўртоқ Л. И. Брежнев 26 ноябрда Тошкентдан Деҳлига жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Д. А. Кунаев ва бошқа расмий кишилар ҳам ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга жўнаб кетдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, А. Д. Бесчастнов, В. Г. Ломоносов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Г. М. Орлов, А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Г. А. Габриельянц, С. К. Зиёдуллаев, И. В. Марцинюк, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев ўртоқлар, Ўзбекистон ССР министрлари. Тошкент области ва республика пойтахти партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, меҳнаткашларнинг вакиллари ўртоқ Л. И. Брежневни Тошкент аэропортида кузатиб қолдилар.

Минг-минглаб меҳнаткашлар аэропортга борадиган йўлда Леонид Ильич Брежневни самимий табрикладилар. (ЎзТАГ).



ДЕҲЛИ. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев Ҳиндистон Бош министри Индира Гандининг таклифига биноан 26 ноябрда расмий дўстона визит билан Деҳлига келди. Суратда: аэродромда кутиб олиш маросими.

ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ Л. И. БРЕЖНЕВ ҲИНДИСТОНГА КЕЛДИ

ДЕҲЛИ, 26 ноябрь. **(ТАСС махсус мухбирлари).** Ҳиндистон Республикаси пойтахтининг кўчалари ва майдонлари байрам либосида. Ҳамма жойда СССР ва Ҳиндистоннинг давлат байроқлари. Л. И. Брежневнинг портретлари, ҳинду ва рус тилларида самимий ва табрик сўзлари ёзилган, Ҳиндистон—Совет дўстлиги мадҳ этилган транспарантлар ва плакатлар.

Дўст Ҳиндистон КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини чин кўнгилдан қутлаб, «Хуш келибсиз, Леонид Ильич Брежнев!» демоқда. Бугун чиққан газеталарнинг биринчи саҳифаларида плакатлар ва транспарантларда шу сўзлар ёзилган. Л. И. Брежневнинг келишига Ҳиндистон жуда катта сиёсий воқеани, икки мамлакатнинг дўстлиги ва ҳамкорлигига янги истиқболлар очиб берадиган воқеани кутиб олаётгандек катта тайёргарлик кўрди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев Ҳиндистон Бош министри Индира Гандининг таклифига биноан бугун расмий, дўстона визит билан Деҳлига келди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, ТАСС бош директори Л. М. Замятин, СССР элчиси В. Ф. Мальцев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин ҳам Л. И. Брежнев билан бирга келишди.

Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди, ташқи ишлар министри Сваран Сингх, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик министри Фахруддин Али Аҳмад, мудофаа министри Жагживан Рам, саноатни ривожлантириш, фан ва техника министри Ч. Субраманиам, планлаштириш министри Д. П. Дхар, нефть-химия саноати министри Д. К. Баруа, қуролли кучлар уч тури штабларининг бошлиқлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневни кутиб олишни ташкил этиш Ҳиндистон миллий конгресс партиясининг раиси Ш. Д. Шарма бошчилигида тузилган умуммиллий комитет аъзолари, Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг раиси Ш. А. Данге, Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий кенгашининг бош секретари Ражешвара Рао, парламент депутатлари, Ҳиндистоннинг таниқли жамоат арбоблари, дипломатик корпус аъзолари Л. И. Брежневни кутиб олмоқ учун СССР ва Ҳиндистон Республикасининг давлат байроқлари билан безатилган, табрик транспарантлари осилган Палам аэродромига келишди.

Илгари бу ерга келган СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси Н. К. Байбаков, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, шунингдек СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. М. Пегов, СССРнинг Ҳиндистондаги муваққат ишлар вакили В. К. Болдирев, совет элчихонасининг, савдо ваколатхонасининг ва Ҳиндистондаги бошқа совет муассасаларининг ходимлари Л. И. Брежневга пешвоз чиқдилар.

Аэродромда кутиб олиш чоғида совет-ҳинд ва чет эл журналистларининг катта группаси ҳозир бўлди.

Пиёда аскарлар, учувчилар, денгизчилардан иборат фахрий қоровул учиш майдонида саф тортиб турди.

Бош министр Индира Ганди самолёт трапи олдида Л. И. Брежневни самимий табриклаб кутиб олди. Ҳиндларнинг одатига кўра, янги очилган гуллар шодаси Л. И. Брежневга тақиб қўйилди. Болалар Леонид Ильичга ранг-баранг гулдасталар тақдим этишди.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон Республикасининг давлат гимнлари ижро этилди, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари келганлиги шарафига 21 марта тўп отилиб артиллерия салюти берилди.

Л. И. Брежнев фахрий қоровул сафи олдидан ўтди, Сўнгра КПСС Марказий Комитети Бош секретари ва Ҳиндистон Бош министри Ҳиндистон ҳукуматининг аъзолари билан парламент аъзолари, дипломатик корпус вакиллари билан саломлашиб, минбарга чиқдилар.

Бош министр Индира Ганди табрик нутқи билан мурожаат қилди.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли Бош министр ҳоним;
Ҳонимлар ва жаноблар.
Азиз дўстлар,
Ўртоқлар!

Улуғ Ҳиндистон тупроғига қадам қўяр эканман, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, Совет давлатининг раҳбарлари номидан, миллион-миллион совет кишилари номидан Сиз ҳурматли Индира Ганди бонуни, ҳукуматингизда Сиз билан бирга ишлаётганларни, бутун дўст Ҳиндистон халқини чин кўнгилдан табриклаётганлигимдан хурсандман. **(Қарсаклар).**

Мамлакатингизга таклиф қилганлигингиз учун Сиз, Бош министр хонимга самимий ташаккур изҳор қиламан. Бу сафарим ўн икки йилдан сўнг Ҳиндистон билан, унинг халқи билан, унинг раҳбарлари билан учрашиш учун менга бахтли имконият беради. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик шу йиллар ичида анча тараққий этди. **(Қарсаклар).**

Ҳозирги кунда жаҳон халқлари давлат арбоблари ва сиёсий арбобларидан мамлакатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берадиган конкрет ҳаракатлар қилишни кутмоқдалар. Бизнинг олиб борадиган музокараларимиз худди мана шундай қилишга ёрдам беради, деб айтсам хато қилмаган бўламан, деб ўйлайман. Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон буюк халқларининг дўстлиги эндиликда Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик учун катта аҳамиятга эгадир. Бу дўстликни янада мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш — бу визитимизнинг асосий мақсадидир. **(Қарсаклар).**

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорлик кучаяверсин ва ривожланаверсин. **(Қарсаклар).**

* * *

Л. И. Брежнев билан И. Ганди машинага ўтирадилар. Машиналар кортежи мотоциклчилар эскортининг ҳамроҳлигида совет меҳмони учун белгиланган резиденция томон — Президент саройи «Раштрапати бхаван» томон йўл олади. Машиналар ўтиб бораётган барча йўлларда, шаҳар кўчалари ва майдонларида тўпланган Деҳлининг юз минглаб аҳолиси Л. И. Брежневни ҳушнудлик, гоят хурсандлик ва самимият билан табриклаб турибди. Ҳамма жойда қизғин қарсаклар, дўстона табассумлар, табрик хитоблари.

Президент саройига киравериш да Л. И. Брежнев билан Индира Гандини Президент гвардияси нинг фахрий олтиқ эскорти кутиб олди. Чавандозлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари билан Ҳиндистон Бош министрига ҳурмат бажо келтириб расмий қароргоҳ — «Раштрапати бхаван» дарвозасигача ҳамроҳ бўлиб бордилар.

Ҳиндистон пойтахтининг аэродромида ва кўчаларида КПСС Марказий Комитети Бош секретарини самимий кутиб олиш мустаҳкамланиб бораётган Совет—Ҳиндистон дўстлигининг ёрқин намойишига айланди.

Н. КОЛЕСОВ, В. МАТЯШ.

Индира ГАНДИ нутқи

Жаноби олийлар!

Улуғ дўст мамлакатнинг атоқли раҳбари Сиз, Бош секретарь Леонид Ильич Брежневни мамлакатимизга ташриф буюрганингиз билан Ҳиндистон ҳукумати ва халқи номидан қизғин табриклаш шарафига муяссар бўлиб турибман. **(Қарсаклар).**

Бизнинг мамлакатимизга бундан ўн икки йил муқаддам охирги марта келиб кетганингиздан бери Ҳиндистонда ва жаҳонда кўп нарсалар ўзгарди. Лекин шу вақт ичида доимий қолиб яшнаб келаётган бир нарса бор, у ҳам бўлса бизнинг дўстлигимиздир. Бу дўстлик қачон тугилганлигини айтиш қийин, лекин у мустақиллигимиз эълон қилинган кундан олдин ҳам мавжуд эди. Шундан бери бу дўстлик муттасил ўсиб ва ривожланиб борди. **(Қарсаклар).**

Ҳар сафарги ўзаро муҳим визитлар муносабатларимизни мустаҳкамлаб, кучайтиравериди, биз бу муносабатларни тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги тарихий шартномаларимизни 1971 йилда имзолаб, шу билан уни юридик негизга асосладик. Иккала халқимизнинг дўстлиги адолат ва тенгликка асосланган интилаётганлигимиздан келиб чиқмоқда. Мамлакатларимизнинг яхши дунёга интилиши ҳамда мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши кураш проблемаларига ёндошишдаги муштараклик бизни тинчлик соҳасини кенгайтириш мақсадида халқаро аҳамиятга эгадир. Бу дўстликни янада мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш — бу визитимизнинг асосий мақсадидир. **(Қарсаклар).**

Л. И. Брежнев билан И. Ганди машинага ўтирадилар. Машиналар кортежи мотоциклчилар эскортининг ҳамроҳлигида совет меҳмони учун белгиланган резиденция томон — Президент саройи «Раштрапати бхаван» томон йўл олади. Машиналар ўтиб бораётган барча йўлларда, шаҳар кўчалари ва майдонларида тўпланган Деҳлининг юз минглаб аҳолиси Л. И. Брежневни ҳушнудлик, гоят хурсандлик ва самимият билан табриклаб турибди. Ҳамма жойда қизғин қарсаклар, дўстона табассумлар, табрик хитоблари.

Президент саройига киравериш да Л. И. Брежнев билан Индира Гандини Президент гвардияси нинг фахрий олтиқ эскорти кутиб олди. Чавандозлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари билан Ҳиндистон Бош министрига ҳурмат бажо келтириб расмий қароргоҳ — «Раштрапати бхаван» дарвозасигача ҳамроҳ бўлиб бордилар.

Ҳиндистон пойтахтининг аэродромида ва кўчаларида КПСС Марказий Комитети Бош секретарини самимий кутиб олиш мустаҳкамланиб бораётган Совет—Ҳиндистон дўстлигининг ёрқин намойишига айланди.

Н. КОЛЕСОВ, В. МАТЯШ.

Л. И. БРЕЖНЕВ ҲИНДИСТОН БОШ МИНИСТРИ ҲУЗУРИДА БЎЛДИ

ДЕҲЛИ, 26 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев бугун Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди ҳузурида бўлиб, у билан дўстона суҳбатлашди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, Ҳиндистон ташқи ишлар министри Сваран Сингх иштирок этдилар.

ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

ДЕҲЛИ, 26 ноябрь. **(ТАСС махсус мухбирлари).** Жамна дарёси соҳилида, Ҳиндистон пойтахтининг паркларидан бирида бутун ҳинд халқи учун табаррук бўлган жой бор. Бу ерда Махатма Ганди, Жавоҳарлаъл Неру ва Лаъл Баҳодир Шастрига ёдгорлик қўйилган.

Бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев Ҳиндистоннинг ана шу атоқли давлат арбоблари ёдгорлигининг зиёрат қилди.

М. Ганди жасади куйдирилган зиёратгоҳга гулчамбар қўйилди. Унга қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев — Ҳиндистон озодлиги ва мустақиллиги учун улуғ курашчи Махатма Гандига».

Л. И. Брежнев М. Ганди ёдгорлик музейини зиёрат қилувчи ҳурматли меҳмонлар дафтарига қуйидаги сўзларни ёзиб қўйди: «Ҳинд халқининг буюк фарзанди Махатма Ганди хотирасига чуқур ҳурмат ила.

Л. БРЕЖНЕВ».

Озод Ҳиндистоннинг биринчи Бош министри Ж. Неру жасади куйдирилган жойга Л. И. Брежнев қўйган гулчамбар лентасига: «Ҳинд халқининг улуғ фарзанди, мустақил Ҳиндистоннинг асосчиси — Жавоҳарлаъл Неруга» деган сўзлар ёзилган эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. Б. Шастри зиёратгоҳига гулчамбар қўйди. Унинг қизил лентасида: «Ҳиндистоннинг атоқли давлат ва сиёсий арбоби — Лаъл Баҳодир Шастрига» деган сўзлари ўқилмоқда.

Гулчамбарлар қўйиш вақтида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, Л. И. Брежневнинг Ҳиндистон сафарида унга ҳамроҳ бўлиб келган бошқа расмий кишилар, шунингдек Ҳиндистон нефть химияси саноати министри Д. К. Баруа ва Ҳиндистон ташқи ишлар министрлигидаги давлат министри Сурендра Пал Сингх ҳозир бўлдилар.

ЗЎР ЭЪТИБОР БИЛАН

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг, аъзоси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистон пойтахтига келиши тўғрисида Деҳлидан бевосита олиб берилган репортажни миллион-миллион томошабинлар зўр эътибор билан кўрдилар. Эшиттириш совет космик телевизион алоқа системаси бўйича ва «Интервидение» орқали социалистик мамлакатларга ва Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларга берилди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг расмий дўстлик визити билан Ҳиндистонга келиши тўғрисидаги телеэшиттиришлар совет алоқа йўлдошлари орқали бевосита Москвага берилмоқда. (ТАСС).

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

26 ноябрда Тошкентда СССР Фанлар академияси илмий кенгаши Ўрта Осиё комиссиясининг «СССР ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш» проблемасига бағишланган мажлиси очилди. Олимлар, экономистлар, халқ хўжалиги турли тармоқларининг мутахассислари Ўрта Осиё республикаларининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг 1990 йилгача мўлжалланган асосий қоидаларини ишлаб чиқиш масалаларини муҳокама қилмоқдалар.

Мажлисни комиссия раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. К. Зиёдуллаев очди. СССР Госплани ҳузуридаги ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш совети раисининг биринчи ўринбосари профессор А. А. Иваниченко ҳал қилиниши лозим бўлган асосий вазифаларни кўрсатиб берди.

СССР Фанлар академияси илмий кенгаши Ўрта Осиё комиссияси раисининг ўринбосари В. Б. Жмуйда, ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш кенгаши раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси К. Н. Бедринцев, Киргизистон ССР госплани экономика институти директорининг ўринбосари В. С. Стародубцев, Тожикистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг директори Р. К. Раҳимов, Туркманистон ССР госплани экономика институтининг директори Д. Б. Байрамов доклад қилдилар. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТДА СОВЕТ—ҲИНД СЕМИНАРИ

Леонид Ильич Брежневни Ҳиндистон пойтахти самимий кутиб олаётган соатда Тошкентда «СССР ва миллий озодлик ҳаракати» проблемасига бағишланган совет ва ҳинд ёшларининг илмий-назарий семинари иш бошлади. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятининг залидаги зангори экран семинар қатнашчиларини Деҳли аэропортидаги кутиб олиш маросимининг иштирокчиларига айлантирди. Ўша узоқдаги учиш майдонида бўлгандек, Тошкентнинг мана шу залида мустаҳкамланиб бораётган совет ва ҳинд дўстлиги шарафига, Коммунистик партия ва Совет давлатининг доно ленинча ташқи сиёсати шарафига табрик хитоблари янграб турди.

Семинарга қатнашиш учун келган ёш ҳинд тадқиқотчилари группасининг раҳбари, Мегхалайя штати қонун чиқарувчи ассамблеясининг аъзоси Персилена Марак бундай деди:

— Бизнинг учрашувимиз мана шундай ажойиб тарихий кунда бошланганидан жуда хурсандмиз. Бутун Ҳиндистон атоқли совет раҳбари Леонид Ильич Брежневни қизғин табриклямоқда. Улуғ Ленин ватанида турар эканмиз халқларимизнинг буюк қудратли бирлиги, дўстлигимизнинг аҳамияти жуда катта эканлигини айтиш билан бахтиёрмиз.

Семинарнинг биринчи машғулотида Персилена Марак миллий-озодлик ҳаракатини ривожлантиришда В. И. Ленининг роли тўғрисида доклад қилди. У Ильич ғоялари Ҳиндистондаги антиимпериалистик курашнинг ўсишига жуда катта таъсир ўтказганлигини, янги турмуш қуришда ҳам бу ғоялар ҳинд халқига қандай ёрдам берганлигини бир қанча мисоллар билан кўрсатиб ўтди.

Бир неча кун давом этадиган семинар программасига бир қанча назарий докладлар киритилган. Совет ва ҳинд тадқиқотчилари семинарда мана шу мавзуларда докладлар қиладилар.

Семинар бошланмасдан олдин ҳиндистонлик меҳмонлар республикамизни айланиб чиқдилар. Улар Тошкент, Самарқанд, Олмалиқ, Чирчиқнинг ҳаёти билан танишдилар. Янгийўл районидаги Ленин номли колхозни бориб кўрдилар. (ЎзТАГ).

Деҳқон бўлсанг ШУДГОР КИЛ!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 26 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун—областлар; иккинчи стун—ҳайдалган майдон (минг гектар ҳисобида); учинчи стун — планнинг бажарилиш проценти

Тошкент	209,1	99,4
Хоразм	7,2	89,1
Сирдарё	233,4	80,3
Самарқанд	177,3	74,7
Андижон	102,2	58,4
Фарғона	49,5	50,0
Сурхондарё	56,6	40,3
Наманган	46,3	34,4
Бухоро	61,7	33,8
Қашқадарё	38,0	26,8
ҚҚ АССР	13,7	20,1
Республика бўйича:	995,0	59,0

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

◆ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ёзувчи Шамил Сеитович **Алядиновга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» Фахрий унвонини берди.

◆ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада бадиий ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш соҳасида кўп йиллар да самарали ишлаганлиги учун Тошкент давлат консерваторияси хор дирижерлиги кафедрасининг доценти Иван Максимов **Пономарева**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» Фахрий унвонини берди.

◆ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми тасвирий санъат соҳасида кўп йиллар, самарали ишлаганлиги учун рассом Николай Васильевич **Шуригина**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» Фахрий унвони берди.

◆ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада театр ва кино санъати соҳасидаги хизматлари учун А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрининг балет солисти Гули Раззоқовна **Ҳамроева**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» Фахрий унвони берди.

ҚИШЛОВГА ҲОЗИРЛИК — УМУМХАЛҚ НАЗОРАТИДА

Халқ контроли Саҳифаси

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Партия кенг омманинг доимий ва амалий-таъсирчан контроли тўғрисидаги ленинча ғояларни оғишмай амалга ошириш ҳақида бундан буён ҳам ғамхўрлик қилаверади.

Л. И. Брежнев

- ХАЛҚ КОНТРОЛИ ОРГАНЛАРИ ҲАЕТИДА МУҲИМ ДАВР
- ҚИШЛОВ — СИНОВ.
- МОЛХОНАМИ—МУЗХОНА?
- НОБУДГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

ЗАРБДОР СОҲА

Пахтачилик, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини тайёрлашни янада кўпайтириш масаласи муҳокама қилинган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XII пленуми қарорида шундай сатрлар бор: «Ем-хашак тайёрлаш, уни чорва молларини қишлайдиган жойларга элтиб қўйиш ва молларга бериш учун тегишли равишда ҳозирлаб қўйиш ишлари кучайтирилсин. Дағал хашак, сенаж ва силос тайёрлаш планларини бажармаган битта ҳам хўжалик қолмаслигини таъминлаш чораларини кўриш зарур.»

Бухоро областининг чорвадорлари пленум қарорларига амалий иш билан жавоб беришга интилиб, қишловга тайёргарлик билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларни муваффақиятли бажармоқдалар. Область халқ контроли комитети, унинг жойлардаги органлари ва активлари чорвадорларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Ҳозирги вақтда 219 группа ва 2400 пост атрофига уюшган салкам 14 минг назоратчи чорва қишловига тайёргарлик ишларида актив қатнашмоқда. Яйловларда, ферма ва сувларда чорва қишловига тайёргарликни текширди, аниқланган камчиликларни тугатиш ва зарур ёрдам кўрсатиш мақсадида 150 жойда қўшимча постлар тузилди. Уларга тажрибали чорвадорлар, зоотехниклар, ветеринария врачлари, ҳисобчилар бириктирилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети чорва моллари бош сонини кўпайтириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиққан. Чунончи, тўққизинчи беш йиллик охирига бориб, майда моллар туёғини 2 миллион 100 бошга, йирик шохли молларни 112 минг бошга етказиш, чўчқалар ва паррандалар сонини бир мунча кўпайтириш кўзда тутилади. Бунга чорва моллари озуқа базасини мустаҳкамлаш, қишловни бехатар ўтказиш натижасидагина эришилади.

Халқ контроли комитетлари томонидан ўтказилган текширишлар жамоат чорвачилигини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар муваффақиятли амалга оширилаётганлигини кўрсатади. Кейинги икки ярим йилда областда озуқабоп экинлар майдони 3,7 минг гектарга кўпайган ёки жами 48,4 минг гектарни ташкил қилган. Чорвачиликдаги энг оғир ишларни механизациялаш даражаси ўсган. Янги сутчилик, бўрдоқичилик комплекслари қурилиши жадал бормоқда. Буларнинг ҳаммаси чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни тобора кўпайтиришга имкон бераётир.

Гўшт етиштириш областда ўтган йилнинг шу давридагидан 600 тоннага, сут етиштириш 3800 тоннага, тухум 4 миллион донага кўпайди. Ҳар бош сигирдан бутургига нисбатан 152 литр кўп сут соғиб олишга эришилди.

Область халқ контроли органлари чорва қишловига тайёргарлик юзасидан бир неча текширишлар ва рейдлар ўтказди. Текшириш якунлари партия, совет органларида, район халқ контроли комитетларининг мажлисларида муҳокама қилинди. Томди район халқ контроли комитети яйловларда, чорва фермалари ва сувларда қишловга қандай ҳозирлик кўрилаётганини текширишдан ўтказди. Маълум бўлишича, район хўжаликларида дағал хашак тайёрлаш плани 148,7 процент бажарилган. Барча озуқалар фермаларга келтириб қўйилган. Аммо, қўйхоналар, қўралар, қудуқлар ремонти тугалланмаган. Карл Маркс номли, Калинин номли, «Коммунизм» совхозларида янги қўра ва қўтонлар қурилиши суст олиб борилмоқда. Район хўжаликларида бу йил 156 та қўра қурилиши керак эди. Ҳозиргача фақат 37 та қўра қурилган, холос. Халқ назоратчилари томонидан аниқланган камчиликлар район партия комитетининг бюро мажлисида кўриб чиқилди. Қишловга тайёргарлик ишларини тезлаштириш тадбирлари белгиланди.

Конимех район чорвадорлари қишловга тайёргарлик ишларини ўтган йилдагидан анча барвақт тугаллаш мажбуриятини олган эдилар. Халқ контроли комитети ва унинг жамоатчи активлари томонидан ўтказилган рейддан маълум бўлишича, районда дағал хашак, беда пичани жамғарилиб, силос бостириш, сенаж тайёрлаш плани анча ошириб адо этилган. Шунга қарамай яйловларнинг унумдорлигини ошириш, устиёпиқ кўралар қуриш, мавжуд қўйхоналарни ремонт қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Район хўжаликларида совлиқлардан қўзи олиш суръати ҳам пасайиб кетган. Натижада давлатга 54 минг дона қоракўл тери кам етказиб берилган. Буларнинг ҳаммаси ўтган йили қишловдан моллар ориқ, каммаҳсул бўлиб чиқанлигининг оқибатидир. Райондаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Конимех» давлат наслчилик заводи, «Шофиркон», «Октябрь 40 йиллиги» совхозларининг чорвадорлари қишловга тайёргарлик ишларини тугаллай деб қолишди.

Когон район халқ назоратчиларининг фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Район халқ контроли комитети, унинг жамоатчи активлари томонидан ўтказилган текширишларда 17 та сигирхонадан фақат 3 тасигина механизациялаштирилгани, паррандачилик фабрикасини реконструкция қилиш ишлари ўн йилдан буён давом эттирилгани маълум бўлиб қолди. Бунинг учун қурилиш ташкилотлари ҳам айбдордирлар. Халқ назоратчилари томонидан аниқланган камчиликлар район партия комитетида кенг муҳокама қилиниб, чорва қишловига тайёргарликни янада жадаллаштириш чоралари ишлаб чиқилди.

Область халқ контроли комитети Ғиждувон, Шофиркон, Қоракўл район колхоз ва совхозларида ҳам қишловга тайёргарликнинг борishi ҳақидаги масалани муҳокама қилиб чиқди. Мавжуд молхоналар, қўйхоналар, қудуқларни қишга тахт қилиб қўйиш, барча турдаги транспортларни тайёрлашга қаратилган тадбирлар белгиланди. Қабул қилинган қарор, белгиланган тадбирларнинг ижроси халқ назоратчилари, жамоатчи-активлар томонидан текшириб, кузатиб борилмоқда.

Қишлов давомида моллар бош сонини тўла сақлаб қолиб, уларнинг маҳсулдорлиги оширилишини изчиллик билан кузатишни давом эттирамиз. Қишлов — синов дейди ҳалқимиз. Чорва қишлови — халқ назоратчилари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Биз чорвадорлар иссиқ кийим-бош, озиқ-овқат, саноат моллари билан қандай таъминланаётганлиги, уларнинг маданий-маиший шароитлари тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиб борамиз.

Областимиз чорвадорлари ўз бурчларини шараф билан бажариб, чорвадорлик касбини улуғлайдилар. Меҳнаткашлар дастурхонини чорва маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш учун бошланган умумхалқ курашида актив қатнашадилар.

Н. САИДАҲМЕДОВ,
Бухоро область халқ контроли комитетининг раиси.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

САМАРҚАНД

Пайариқ районидаги Крупская номли колхозда чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш жуда суст бормоқда. Гўшт топшириш плани энди 36 процент, жун 40 процент қилиб бажарилди. Шунингдек полиз маҳсулотлари тайёрлаш 13 процент, сабзавот 4 процент қилиб уддаланди. Хўжаликда чорва қишловига тайёргарлик ёмон аҳволда. Ферма бинолари ремонти тугалланган йўқ. Дағал-хашак, силос, сенаж жамғариш ишлари ярим-ёрти бўлиб ётибди. Хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизлиги сабабли колхоз чорвачилик ва деҳқончиликдан 70 минг сўм зарар кўрди.

Пайариқ район халқ контроли комитети текшириш якунларини муҳокама қилиб, колхоз раиси К. Камолов ва унинг чорвачилик бўйича ўринбосари А. Абатов, бош агроном О. Ҳакимов ўртоқларга бир ойлик иш ҳақи миқдорида жарима солди.

АНДИЖОН

Далада ишлаётганларга ғамхўрлик қилиш, уларга зарур шароит яратиб бериш энг муҳим вазифалардан биридир. Балиқчи район Чинобод матлубот жамияти мавсумда барча хўжаликларда кўчма дўконлар ташкил этиши, ошхоналар ишини яхшилаши лозим эди. Бироқ, матлубот жамияти раҳбарларининг эътиборсизлиги сабабли бешта кўчма дўкондан учтаси ишламаяпти. Онда-сонда далаларга чиқарилаётган иккита дўконда эса зарур моллар — шакар, қанд, туз, папирос, совун, гугурт йўқ. Сиза қишлоқ Советидаги Насриддинобод пахта пункти қошидаги ошхона ишламаётгани сабабли қабул пункти ишчилари овқатланиш учун қўшни қишлоқларга боришга мажбур бўлмоқдалар.

Район халқ контроли комитети рўй бераётган аҳволни муҳокама қилиб, камчиликларни тезда тугатиш тадбирларини белгилади.

НУКУС

Бу йил Нукус районидаги совхозларда 5017 бош қорамол, 3188 бош қўй, 7705 бош чўчқа, 308 бош от боқилмоқда. Район халқ контроли комитети ўтказган текширишда бир қатор хўжаликларда қишловга тайёргарлик қониқарсиз эканлиги маълум бўлди. Масалан, Жданов номли совхозда 1685 бош қорамолдан фақат 200 бошигина қишлайдиган молхона қурилган. Бир йил аввал бошланган сигирхона қурилиши тугалланмаган йўқ. Бердах номли совхозда ҳам аҳвол шундай. Район бўйича дағал хашак, сенаж, силос етарли жамғарилган. Аммо Бердах номли ва Жданов номли совхозларда озуқалар яхши сақланмаяпти. Ҳозирданоқ силос қизиб, чириб кетмоқда. Хашак майдалайдиган механизмлар тўла ишлатилаётгани йўқ. Район халқ контроль комитети чорва қишловига тайёргарликни муҳокама қилиб, камчиликларни тугатиш тадбирларини ишлаб чиқди.

РАССОМ ХАНДАЛАРИ

Пастдарғом районидаги Калинин номли колхозда чорва қишловига тайёргарлик ўлдажўлда. Чорва бинолариии ремонт қилиш учун ишчи кучлари ажратилмаган. Тайёрланган дағал-хашак фермалар ёнига ташиб келтирилмаган. «Память Ленина» колхозида транспорт етишмаётгани сабабли хашак ташиш тўхтаб қолган. Маккажўхорини ўрилмаган ерлар ҳам бор. (Хабарлардан).



Бахмал районидаги «Рассвет» совхозида дон, гўшт, тухум, полиз маҳсулотлари топшириш, чорва моллари озуқаси тайёрлаш планлари бажарилган эди. Топшириқлар уддалангач, бу ерда иш жуда сусайиб кетди. Кузги шудгор кечикяпти 400 гектар майдонда палаҳса-палаҳса кесак кўчган. 429 тонна ўрнига фақат 120 тонна уруғлик бугдой тайёрланган холос. Иккита дон тозалаш машинаси ишлатилмаётир (Хабарлардан).



А. Ҳолиқов чизган расм.

Назоратчилар почтасидан

ЖИДДИЙ ИМТИҲОН

Совхозимиз комплекс ривожланган, пахтачилиги билан чорвачилиги тараққий этган хўжаликлардан бири. Беш йилдикнинг учинчи йили гўшт, сут, жун топшириш планлари ошириб бажарилди. Моллар бош сонини кўпайтириш юзасидан белгиланган планлар ҳам муваффақиятли уддаланди. Эришган ютуқларимиз эвазига область партия комитети, область ижроия комитети ва касаба союзлари область советининг кўчма Қизил байроғини доимий сақлаш учун қабул қилиб олдик. Чорвадорлардан 25 киши «Социалистик мусобақа голиби» нишони билан тақдирланди.

Қиш фасли яқинлашиб келмоқда. Қишловга пухта тайёргарлик кўриш, ҳамма нарсани ҳозирлаб қўйиш чорвадорларимиз учун муҳим вазифа бўлиб қолди. Халқ назоратчилари бу ишдан мунтазам кўз-қулоқ бўлиб турмоқдалар. Вақти-вақти билан рейд ва текширишлар ўтказиб турилибди. Уларнинг иштирокида 1490 тонна сенаж, 3500 тонна силос, 1500 тонна дағал-хашак жамғариб қўйилди. Совхоз дирекцияси, партия комитети ва халқ контроли группасининг яқинда бўлиб ўтган қўшма мажлисида қишловга тайёргарликнинг бориши чуқур таҳлил қилинди.

Халқ назоратчиларининг астойдил жон куйдираётганлиги натижасида шу кунгача 1112 бошга мўлжалланган молхоналар, 1800 бошга мўлжалланган чўчқахона, 2500 бошга мўлжалланган қўйхона бинолари ремонтдан чиқариб қўйилди. ДКУ машинасининг қисмлари янгиланди. Қўшимча озуқа цехи қурилмоқда. Водопровод линиялари қайта кўздан кечирилиб, қишки мавсумга мослаштирилди. Бу ишларнинг ҳаммасини чорвачилик фермаси қошидаги Мадаминжон Ҳошимов раҳбарлик қилаётган ва ўз сафига 17 назоратчини бирлаштирган халқ контроли группаси текшириб бормоқда.

Биз чорвадорларнинг уй-жойларини ҳам қишки мавсумга тайёрлашни биринчи галдаги вазифа қилиб қўйдик. Ҳозиргача 20 чорвадор оиласи янги ремонт қилинган уйларга кўчиб кирди. Ўтин, кўмир ва бошқа зарур нарсалар билан етарли таъминландик.

Совхоз халқ контроли группаси чорва қишлови давомида ўз фаолиятини қандай ташкил этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқди. Ана шу тадбирлар асосида чорва моллари бош сонини тўла сақлаб қолиш, молларни қишловдан тўқ ва семиз олиб чиқиш, маҳсулдорлигини тинмай кўпайтира бориш учун ҳаракат қиламиз.

Ғ. САТТОРОВ,
Янгиқўрғон районидаги «Заркент» совхози халқ контроли группасининг раиси.

СОВУҚ ТУШДИ-Ю, АММО...

Хоразм областининг Орол денгизи жанубидаги яйловларида ташкил этилган «Қизил жар» совхози гўшт етиштиришда воҳанинг асосий базаларидан бири бўлиб қолди. Ҳозир бу ерда 9403 бош йирик қорамол асралмоқда. Қорамоллар сони шу йилнинг ўзида 413 бош кўпайди. Район халқ контроли комитети ана шу хўжаликда чорва қишловига тайёргарлик қандай ўтказилганлигини атрофлича текширди. Натижада бу соҳада ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам йўл қўйилгани маълум бўлди.

Совхозда чорвачиликни интенсив ривожлантиришнинг перспектив планлари ишлаб чиқилмаган. Зоотехника ва ветеринария ишлари паст савияда бўлгани сабабли хўжалик фермаларида кейинги бир ярим йил мобайнида 195 бош қорамол нобуд бўлди. Совхоз дирекцияси янги молхоналар қуриш ва эскиларини ремонт қилишни тезлаштириш мақсадида махсус қурилиш бригадаси ташкил этган эди. Афсуски, қишловга тайёргарликда ана шу иш билан чекланиб, қўя қолинди. Бригада қурилиш материалларига эга бўлишига қарамай, шу пайтгача ишга киришиб кетгани йўқ. Молхоналарнинг томлари кучли, деразалари синиқ бўлиб, Орол денгизи бўйларига совуқ эрта тушганлиги сабабли чорвачилик бинолари музхонага айланиб қолган.

Хўжалигда шунингдек, чорва моллари учун озуқа базаси яратиш ишлари ҳам тўла бажарилгани йўқ. 337 гектар майдонга экилган маккажўхорининг ҳар гектаридан 300 центнердан кўпроғи олинди. Дон учун ажратилган 10 гектар маккажўхорининг атиги бир гектаридагина уруғлик учун дон йиғиб олинди, холос. Дағал хашак тарамлаб бўлмагани йўқ. Келтирилган 100 тонна шелуха очиқ ерда, ёмғир остида ётибди. Халқ назоратчилари уни очиб кўришганида пастдан 20 сантиметр қалинликдаги шелуханинг чириб кетгани маълум бўлди. Ўтказилган текшириш якунлари совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти иштирокида район халқ контроли комитети йиғилишида муҳокама қилинди. Камчиликларни тугатиш тадбирлари белгиланиб амалга оширилмоқда.

Б. ПОЛВОНОВ,
Урганч район халқ контроли комитети раиси.



Тошкент область, Калинин районидаги Собир Раҳимов номли колхоз чорва қишловига пухта тайёргарлик билан киришди. Бу ерда 700 бош қорамолга мўлжалланган молхоналар қишбоп қилиб ремонтдан чиқарилди. Бир ярим йилга етарли озуқа жамғарилди. Суратда: халқ контроли группаси раиси Т. Бобоев чорвадорлар билан кундалик иш тўғрисида суҳбатлашмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ЗАРАР ЎРНИГА ФОЙДА

Хўжаликнинг асосий тармоқларидан бири — чорвачилик кўп йилларгача совхоз экономикасига зарар келтирди. Қуйидаги рақамларга назар ташланг: 1971 йилда шу соҳадан 119 минг сўм, 1972 йилда 51,5 минг сўм зарар кўрдик. Бу — пахтачиликдан, сабзавотчилик ва полизчиликдан олинган вақт фойдасининг кўп қисмини шу соҳа еб кетди, деган гапдир. Совхоз дирекцияси, партия ташкилоти бундай ташвишли аҳвол сабабларини ўрганди. Ўтказилган жуда кўп текширишларда халқ контроли группаси актив иштирок этди. Халқ назоратчилари чорва моллари учун озуқа экинлари экиладиган майдонларнинг унумдорлигидан экинлар ҳосилдорлигигача, озуқа рационидан фермалардаги оғир қўл меҳнатини талаб қиладиган ишларни механизациялашгача бўлган ҳамма масалаларни чуқур ўрганиб чорвачиликни ривожлантириш юзасидан ўзларининг конкрет таклифларини киритдилар.

Дирекция чорвачиликни комплекс ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқди ва жорий этди. Энг унумдор майдонлар маккажўхори ва бошқа озуқабоп экинларга ажратилди. Уларнинг ҳосилдорлиги оширилди. Чорва моллари озуқаси ҳар йилдагидан ҳам анча кўп жамғарилди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сутнинг ўртача миқдори 1800 килограммга етди. Бўрдоқи учун боқилган қорамолларнинг вазнини аввалги 280 килограмм ўрнига 400 килограммга етказиб топшириладиган бўлди. Гўшт, сут, жун, тухум ва бошқа маҳсулотларнинг таннархи арзонлашди. Мана, шу йил қилинган ишларнинг илк натижаси: хўжалик ўтган йилларда чорвачиликдан келадиган зарарни тугатиб, 5 минг сўм соф фойда олди.

Ўз сафига 74 назоратчини бирлаштирган халқ контроли группаси чорва қишловига тайёргарликни изчил кузатиб бормоқда. Молхоналар ремонт қилинди, пичан, дағал хашак фермалар ёнига ташиб келтирилди, силос ва сенаж ҳар қачонгидан кўп жамғарилди. Чорва молларини қишловдан тўқ ва семиз олиб чиқиш учун барча имкониятларга эгамиз.

Х. УМАРОВ,
Киров районидаги «Бешариқ» совхози халқ контроли группасининг раиси.

ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК

АКТИВЛИК ВА ТАЪСИРЧАНЛИК МЕЗОНИ

Халқ контроли органлари ҳаётида муҳим давр бошланмоқда. Тез кунлар ичида халқ контроли группа ва постларида ҳисобот-сайловлар бошланади. Меҳнат коллективлари шу кунни энг ташаббускор, талабчан, жонкуяр ва принципиал кишиларни халқ назоратчиси қилиб сайлайдилар. Ҳозир ҳамма ерда ана шу муҳим сиёсий кампанияга пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

КПСС XXIV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган областимиз халқ контроли органлари, партия ташкилотлари раҳбарлигида ҳисобот даврида катта ишларни амалга оширдилар. Улар маъмурият ва партия ташкилотининг энг яқин ёрдамчиси деган номни шараф билан оқлаб, план ва топшириқларнинг бажарилиши, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш резервларини топиш ва фойдаланиш, иқтисод қилиш ва тежамкорлик, хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши кураш, социалистик мулкни кўз қорачиғидек сақлаш борасида анча ибратли ишлар қилдилар.

Шу йилнинг ичида халқ назоратчилари турли соҳалар бўйича 640 марта текшириш ва рейдлар ўтказдилар. Ана шу рейдларнинг 37 таси оммавий усулда амалга оширилди. 15 минг халқ назоратчиси ўтказган текшириш ва рейдлар якуни бўйича 315 та масала комитет мажлисларида муҳокама қилинди, 70 та масала партия ва совет органлари ихтиёрига, 25 та масала эса коллектив муҳокамасига ҳавола қилинди.

Областимиз саноати ўн ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш планини 104,4 процент бажариб, топшириққа қўшимча 14066 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Маҳсулот тайёрлаш кўрсаткичи ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 108 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлиги 6—8 процент ошди. Шунингдек, область бўйича давлатга 423 минг тонна «оқ олтин» сотилди. Ялпи ҳосилнинг 61,6 процентни «зангори кема»лар билан териб олинди. Бу кўрсаткичларда халқ назоратчиларининг ҳам улкан ҳиссаси бор.

Халқ контроли комитетлари, группа ва постлари эҳтиёжга пахта йиғим-терими мавсумида намунали ишладилар. Область халқ контроли комитетида Учқўрғон районидаги «Андижон» колхози халқ контроли группасининг пахта йиғим-теримини ўтказиш тадбирлари маъқулланди. Шунингдек, область халқ контроли комитети Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан Наманган пахта тозалаш заводи халқ контроли группаси ишлаб чиққан тадбирларни маъқуллади. Бу тадбир областдаги барча халқ назоратчилари томонидан қизғин кутиб олинди.

Оммавий текшириш ва рейдлар халқ контроли группалари ва постларида ўтказиладиган ҳисобот ва сайловларга пухта тайёргарлик кўриш билан уйғунлаштириб олиб борилмоқда. Уйчи район Охунбобоев номли колхозининг халқ контроли группа ва постларида ҳисобот ва сайлов йиғилишларини ўтказиш тажрибасини ўрганилиб, халқ назоратчиларининг йиғилишларида атрофлича муҳокама қилинди. Шу асосда барча группа ва постлар ҳисобот ва сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқдилар.

Шаҳар ва район халқ контроли комитетлари бошланғич партия ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда конференция ҳамда вакиллар йиғилишини ўтказиш муддатини белгилаб чиқишди. Группа ва постларга ҳисобот ва сайлов йиғилишларини ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларга партия-хўжалик активлари сафарбар қилинди.

Бу йил областимизда 49 жойда конференция, 167 жойда вакиллар йиғилиши, 406 жойда коллективлар йиғилиши, 2800 та халқ контроли постларида йиғилишлар ўтказиш мўлжалланмоқда. Навбатдаги ҳисобот ва сайловлар пайтида 117 жойда янгидан халқ контроли группалари ташкил этилади.

Партия ташкилотлари кўмагида халқ контроли группа ва постларининг сифат состави яхшиланиб бормоқда. Халқ назоратчиларининг кўпчилик қисмини коммунистлар ташкил этади. Группа ва пост раисларининг 81,1 процентини партия ташкилотлари секретарлари ўринбосарларидир. Группа раислари орасида ишчилар 25 процентга, хотин-қизлар 10,3 процентга етди. 160 та халқ контроли группаси раиси маҳаллий совет депутатларидандир.

Яқинда область халқ контроли комитети, Янгиқўрғон район халқ контроли комитетининг группа ва постларда ҳисобот ва сайловларга қандай тайёргарлик кўрилаётганини атрофлича ўрганиб, комитет йиғилишида муҳокама қилди. Текшириш жараёнида район халқ контроли комитетининг бу соҳада жиддий камчиликларга йўл қўяётгани аниқланди. Область халқ контроли комитети ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик ишида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тезда тугатиш мақсадида жойларга инспекторлар ва штатсиз инспекторларни сафарбар қилди.

Халқ контроли органлари ўтказаётган тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилишида партия ташкилотларининг бераётган ёрдами айниқса катта роль ўйнаяпти. Область, шаҳар ва район партия комитетлари бюроларида группа ва постларда ҳисобот ва сайлов йиғилишларини ўтказиш масалалари муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Партия ташкилотлари ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик масаласига бағишланган семинар ва йиғилишларни ўтказишга яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Асосий диққат-эътибор группа ва постларда ҳисобот ва сайловларни меҳнат коллективларининг актив иштирокида пухта тайёргарлик билан юксак савияда ўтказишга қаратилмоқда.

Р. СИДДИҚОВ,
Наманган область халқ контроли комитетининг раиси



Бекобод районидаги «Победа» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хушвақт Эгамбердиев бошлиқ бригадаси азаматлари юқори кўрсаткичга эришдилар. Улар фидокорона меҳнат қилиб, 134 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пда ндаги 25 центнер ўрнига 45 центнердан «оқ олтин» йиғиб олдилар. Суратда: Х. Эгамбердиев ўғли Жумана зар билан.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

Планетамизда

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ҚАРОРИ

НЬЮ-ЙОРК, 25 ноябрь. (ТАСС). Хавфсизлик Кенгашининг қарорига мувофиқ Африкадаги яна икки давлатнинг — Кения билан Сенегалнинг миллий ҳарбий қисмлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Яқин Шарқдаги фавқулодда қуролли кучлари составига киритилди.

20 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари К. Вальдхайм Хавфсизлик Кенгашининг раиси номига йўллаган мактубида Кения ва Сенегал ҳукуматлари томонидан берилаётган ҳарбий қисмларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қуролли кучлари составига киритишни таклиф қилди.

23 ноябрда Хавфсизлик Кенгашининг раиси П. Янкович бу масала хусусида Хавфсизлик Кенгашининг аъзолари билан маслаҳатлашиб олганлигини бош секретарга хат орқали маълум қилди. Шу хатда Хавфсизлик Кенгашининг Хитойдан бўлак ҳамма аъзолари бош секретарнинг таклифига рози бўлдилар, дейилади. Шундай қилиб, Хитой Халқ Республикасининг вакили Хавфсизлик Кенгашининг Яқин Шарқ проблемасини тинч бартараф қилишга қаратилган ҳаракатларида қатнашишни истамаганлигини яна бир марта яққол кўрсатди.

САВДО АЛОҚАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН

БРАЗИЛИЯ, 25 ноябрь. (ТАСС). Бразилиянинг савдо-саноат доиралари Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик давлатлар билан савдо ва иқтисодий алоқаларни кенгайтиришни талаб қилмоқдалар.

Мана шу доираларда, деб ёзади пойтахтдаги «Диариу де бразилиа» газетаси, Бразилиянинг планлаштириш ва иқтисодий координациялаш министри Рейс Веллозунинг яқинда СССР га қилган визити «Фойдали ва ўзаро манфаатли» бўлди, деб ҳисобламоқдалар.

Нуфузли «Эстарду де сан-паулу» газетаси ҳам СССР билан Бразилия ўртасида савдо-сотиқни ривожлантиришнинг яхши истиқболлари борлигини қайд қилмоқда. Газета Бразилиянинг Москвада ўтказган биринчи савдо-саноат выставкаси берган натижалар «кутганимиздан ҳам ортиқроқ бўлиб чиқди» деб таъкидламоқда.

ГРЕЦИЯДА ТЎНТАРИШ

АФИНА, 26 ноябрь. (ТАСС). Грецияда ҳарбий тўнтариш қилинди. Кеча эрталаб танклар шаҳарнинг ҳарбий жиҳатдан муҳим кўчалари ва майдонларини эгаллаб олиб, тўпларнинг оғзини президент саройига ва давлат муассасаларининг биноларига тўғрилаб қўйдилар. Орадан бир неча соат ўтгач биринчи армия қўмондони генерал Ф. Гизикис мамлакат президенти деб эълон қилинди. 1967 йилдаги ҳарбий тўнтаришдан сўнг молия министри бўлиб турган А. Андруцопулос бош министр қилиб тайинланди. Собиқ президент Пападопулоснинг, бош министр Маркезинис-нинг ва ҳукумат аъзоларининг тақдири нима бўлганлиги ҳеч кимга маълум эмас.

Афина радиоси орқали эшиттирилган расмий ахборотда мамлакат «жиддий хавф» остида қолганлиги сабабли ҳокимиятни қуролли кучлар ўз қўлига олди, дейилади.

Ишчилар ва студентлар демократик ҳуқуқлар берилишини талаб қилиб, мамлакатда граждан эркинликлари чекланганлигига қарши яқинда оммавий намойишлар ўтказган эдилар. Шундан сўнг Грецияда мана шу тўнтариш қилинди. Ҳукумат маъмурлари ишчилар ва студентларнинг намойишларини шафқатсизлик билан бостирганликлари илгари ҳабар бериб ўтилган эди. Ҳозирги ҳарбий тўнтариш кейинги олти йил ичида қилинган иккинчи тўнтариш бўлди.

ПАРИЖ, 26 ноябрь. (ТАСС). Франс-Пресс агентлиги Грециядаги воқеаларни тавсифлаб берган хабарида бундай дейилади: «қаттиқ йўл тутиш» тарафдорлари мамлакатда ҳокимиятни зўрлик билан ўз қўлларига олдилар. 1967 йилнинг 21 апрелидан сўнг (ҳарбий хунта ҳокимиятни қўлга олганидан бери) Маркезинис томонидан мамлакатни либераллаштириш мақсадида биринчи марта қилинган уриниш мана шундай тугади. Генерал Гизикис Грецияда граждан вакилларидан ҳукумат тузилганлигидан хабардор қилмасдан, балки бу мамлакат обрўсининг янада ошишига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

БЕРЛИН. (АПН мухбири). ГДРда уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилаётир. Беш йиллик бошидан бери уч юз минг квартирада уй тўйлари ўтказилди. Бу жуда катта рақамни ташкил этади. Эверсхаген — Росток йўлдош шаҳрида қурилиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилаётир. Кейинги йиллар мобайнида бу ерда 28 минг оила янги уйларга кўчиб кирди. Шунингдек, магазинлар, мактаблар, болалар муассасалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Аҳоли кўчиб кирган уйлар ёнида кўп қаватли иморатлар қад ростламоқда.

ГБИП Марказий Комитетининг X пленумида 1976—1990 йиллар учун уй-жой қуриш программаси тасдиқланди.

ЕНГИЛ САНОАТ РИВОЖЛАНМОҚДА

БУДАПЕШТ. (Будапресс—АПН). Венгриянинг енгил саноати маҳсулот ишлаб чиқаришни ўтган йилдагига қараганда 9 процент оширишни планлаштирди. Ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот муассасалари уни ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Тегишли фойдали саноати институтининг мутахассислари совет ҳамкасблари билан ҳамкорликда ишлаб, пластмассанинг янги хилини яратдилар. Маҳаллий саноат институтида автомобиль шиналаридан қайта ишланган юқори сифатли гилам ишлаб чиқариш технологияси тайёрланди.

Тўқимачилик саноатида ҳам капронни қайта ишлаш жараёни ихчамлаштирилди: қурилиш, намлаш ва бўяш ишлари бир операция билан амалга ошириладиган бўлди.

Илмий-тадқиқот институтлари ва лабораторияларда ўтган йили қайта ишланган 770 тадбирдан ярмиси ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда.

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

УЛАН-БАТОР. (АПН махсус мухбири). Шарғалжут курортида 350 ўринлик бўлиб, суви таркибида турли кимёвий моддалар бор. Бу ерда кўриш ва эшитиш қобилиятини йўқотганлар, буйрак, бод ва бошқа касалликлар даволанади. Маҳаллий санаторийларда ҳар йили 1100-1200 киши даволанади. Терлич, Сонгино, Сугнугур, Хара каби санаторийлар Монголияда донг қозонган даволаниш жойларидан ҳисобланади. Шу ва бошқа санаторий ҳамда дам олиш уйларида йилига 1 мингдан ортиқ киши ўз меҳнат отпускасини ўтказмоқда. Шаҳарликлардан кўпи касаба союз даволарида ҳордиқ чиқараётир.

ҲИНДИСТОН ВА ОСИЁДА ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ

Иккинчи жаҳон урушидан олдин инглиз ёзувчиси Форстер «Ҳиндистонга саёҳат» деган китобида шундай деб ёзган эди: «Ҳиндистонда катта шаҳарлар кам. Ҳиндистон — бу қишлоқлар, далалар, сўқир тоғлар, чангалзорлар, тоғлар ва яна далалар демакдир. Шаҳар четидаги йўлларда фақат хўкиз қўшилган араваларгина юра олади. Кейин бу йўллар бирлашиб, чангалзорларда йўқолиб кетади... Бундай мамлакатни ақл бовар қилиши мумкинми?».

Ўша даврда бу ерда авж олиб келаётган миллий-озодлик ҳаракати ва Буюк Британия мустамлакачиларига қарши ҳиндларда юзага келган кескин кайфият афтидан инглиз ёзувчисига «кўринмаганга» ўхшайди. Бундан 26 йил муқаддам, ҳинд халқи мустамлакачиларни ўз еридан ҳайдаб чиқарганидан сўнг замонавий шаҳарлар барпо қилди, йирик саноат марказлари, йўллар қурди, қисқаси ўз миллий экономикасини мустаҳкамлаб, мамлакатдаги реакцион кучларнинг чиқишларига зарба берайтир. Хуллаки, Ҳиндистон ривожланмоқда. Лекин бундан — айтиладиган гапларнинг ҳаммаси эмас. Ҳиндистон халқаро майдонда олиб бораётган блокларга қўшилмаслик, тинчликсевар сиёсати, мустамлакачиликка ҳамда янги мустамлакачиликка қарши сиёсати билан фақат тараққий этаётган мамлакатлар орасида эмас, балки бутун дунёда ҳам машҳурдир. У Осиё қитъасида барқарор тинчлик ўрнатиш ишига муҳим ҳисса қўшмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг республикага Халқлар дўстлиги ордени топширилиши муносабати билан Тошкентда ўтказилган кўшма мажлисида айтиб ўтганидек, «Осиёнинг тақдирини шакллантиришда Ҳиндистоннинг ўрни, ҳеч шубҳасиз катта... Ҳиндистон бутун жаҳон сиёсатига кўпгина қимматли ҳисса қўшган ва унинг роли ортаверади, биз бунга аминмиз».

Маълумки, Ҳиндистон бу қитъада социалистик тузумга мансуб бўлмаган ва мустақил ташқи сиёсат юргизаётган давлатлар орасида етакчи ўринни эгаллайди. У ўз географик жойлашиши нуқтаи-назаридан Яқин Шарқ ва Шарқий-Жанубий Осиё мамлакатларини бир-бири билан боғловчи халқа ҳамдир.

Ҳинд халқи ўз озодлигини қўлга киритгандан сўнг Англия ва Америка Қўшма Штатлари монополистлари ҳинд ҳукумати ташқи сиёсат соҳасида биз томонда бўлади, деб ўйлашган эди. Уларнинг мўлжалларича, мамлакатда мустамлака тузуми тугатилгандан кейин ҳокимият тепасига келган миллий буржуазия, аниқроғи Ҳиндистон Миллий конгресси партияси халқаро масалаларда ғарб давлатларининг айтганини қилиб, мустақил сиёсат юргизишдан воз кечиши керак эди. Лекин давр тараққиёти буларнинг аксини кўрсатди. Ёш ҳинд ҳукумати империалистларнинг Осиёда агрессив блокларга аъзо бўлиш у ёқда турсин, бу ҳарбий гуруҳларнинг тузилишига кескин қарши чиқди. Тинчлик учун актив курош, империалистларнинг «совуқ уруш» сиёсатини қоралаш ва тинч-тотув яшашга чақириқ блокларга қўшилмаслик Ҳиндистоннинг ташқи сиёсатига прогрессив ва демократик тус берди. Шуни айтиш керакки, унинг бундай сиёсат олиб бориши тасодифий эмас. Бунга маълум сабаб ва омиллар бор, албатта. Жаҳонда биринчи бўлиб ўз ерида социалистик жамият барпо этган Совет Иттифоқи, ер юзида абадий тинчлик ўрнатиш, эксплуатацияни буткул йўқотиш учун у олиб бораётган изчил ва принципиал йўл Ҳиндистоннинг бу сиёсатининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган эди.

Маълумки, 1971 йилда Ҳиндистон ярим броилда бўлиб ўтган воқеалар маҳаллий халқлар тарихида янги давр очди. Шарқий бенгалликларнинг ўзларига кенг автономия бериш тўғрисидаги талабларига жавобан Покистоннинг собиқ президенти Яҳёхон режимининг Бангладешда олиб борган уруши Ҳиндистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, бенгалларнинг империализмга қарши миллий мустақиллик курашида Ҳиндистон жуда катта роль ўйнади. Биринчидан, ўн миллионга яқин бенгал қочоқлари Ҳиндистон территориясидан бошпана топдилар. Ҳинд ҳукумати бу қочоқларни озиқ-овқат, бошпана, дори-дармонлар билан таъминлаш учун кунига 25 миллион рупия маблағ сарфлади. Бу 550 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган ва ривожланаётган мамлакат учун жуда катта гап, демакдир. Иккинчидан, Ҳиндистон Бангладеш миллий озодлик кучларининг Яҳёхон режимига қарши курашига ҳар томонлама бевосита ёрдам кўрсатди. Совет Иттифоқи, Ҳиндистон, социалистик мамлакатлар ва бошқа тинчликсевар кучларнинг амалий кўллаб қувватлашлари натижасида Жанубий Осиёда янги мустақил давлат — Бангладеш Халқ Республикаси вужудга келди.

Эндиликда Ҳиндистон бу ёш давлатнинг миллий экономикасини тиклашда катта ёрдам кўрсатмоқда.

Ҳиндистон — Покистон уруши тўхтаганидан кейин етти ярим ой ўтгандан сўнг Ҳиндистоннинг Симла шаҳрида Индира Ганди ва Покистоннинг президенти Бхутто ўртасида учрашув бўлиб ўтди ва ҳар иккала давлат ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш тўғрисида битим имзоланди. Ҳозирги кунда бу битим босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ҳар иккала мамлакат ўртасида қарбий асирларнинг аёлларини фикримизнинг далилидир. Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш ўртасида нормалашаётган муносабатларни тинчлик учун курашаётган жамоатчилик доиралари қизғин табрикламоқдалар.

Совет Иттифоқи Осиёда тинчликни коллектив куч-ғайратлар билан мустаҳкамлашни талаб қилаётганлиги маълум. Ҳукуматимизнинг бу қитъада коллектив ҳавфсизлик системасини барпо қилиш тўғрисидаги таклифини жуда кўп ҳукуматлар, шу жумладан, Ҳиндистон ҳукумати ҳам қизғин қарши олди. Чунки Осиёда барча давлатларнинг ўзаро манфаатли ва ҳар жиҳатдан бир-бирини бойитадиган алоқалари, тинч ҳамкорлик қилишлари ҳинд халқининг ҳам айни орзу истагидир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳинд ҳукуматининг халқаро майдонда олиб бораётган тинчликсевар сиёсати диққатга сазовордир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу мамлакатга визити Совет — Ҳиндистон дўстлигида янги давр бошлабгина қолмасдан, балки бу мамлакат обрўсининг янада ошишига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Б. АСОМОВ.

САНЪАТКОР МИНБАРИ

ИЖОД ВА ҲАЁТ

Октябрь инқилоби байроғи остида туғилган социалистик реализм адабиёти ҳамиша ва ҳамма вақт жонажон партиямиз ва халқимиз ҳаёти, қураши, иродаси-интилишининг, орзу ва мақсадларининг ифодачиси, кўзгуси бўлиб келди. Яратувчи, қурувчи, ижодкор ва қаҳрамон халқимизни улуғлади. Инқилоб учун, социализм учун жон фидо этган асл инсонларни куйлади, халқимизни меҳнат ва курашга, яратиш ва қуришга, жафарларга даъват этди.

Ўзбек совет адабиётининг карвонбошилари Ҳамза Ҳакимзода, Айниийлар биринчилардан бўлиб, инқилоб ишқ учун, социалистик тузум иши учун курашга бел боғладилар. Ҳамза ўзининг «Яша, Шўро», «Ҳой, ҳой отамиз», «Берма эркингни қўлдан», «Ишчилар уйғон» каби қатор шеърларидаёқ янги давр шарофатини улуғлашга, ардоқлашга чорлади. Хусусан, «Яшагиз ишчи, деҳқонлар» шеърида:

Биз агар ишчи, деҳқон ҳам қизил аскар,
Биргалашсак, фирқамиз бўлиб раҳбар,

дейиш билан у ўзбек совет адабиётида биринчилардан бўлиб, ишчи-деҳқон ҳам Қизил Армия бирлигини улуғлади, айни чоқда «фирқамиз бўлиб раҳбар» дейиш билан халқ ва партия бирлигини, партиянинг раҳнамолик родини зўр ақл ва заковат билан куйлади, адабиётга партия ва халқ мавзуини олиб кирди. Энг муҳими, у Октябрь тонгининг дастлабки кунлариданоқ бадиий адабиётнинг таълим-тарбиявий ва даъваткорлик қудратига катта ишонч билан боқди. Натижада сўз ва қалам билан инқилобий жафарларни мустаҳкамлашга, меҳнаткаш халқни янги тузум ишига сафарбарликка чақира олди.

Мамлакатимизда, қолаверса, республикамизда социализм қурилиши ва мустаҳкамланиши авж олган йилларда Ҳамза бошлаб берган традиция ниҳоятда ҳаётий бўлиб кетди ва адабиётнинг етакчи йўлига айланди. Ана шу анъана Ойбек ва Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон ва А. Қаҳҳор, Уйғун ва Яшин, Шайхзода ва Миртемир каби ўнлаб талантлар томонидан янада чуқурлаштирилди ва мустаҳкамланиб борди. Халқ ҳаёти ва курашини ифодалашда, партия ва халқ манфаатлари, мақсадлари йўлида хизмат этишда адабиётимиз турли курашлар, қийинчиликларни енгиб ўтиб чиниқди, тобланди, ҳаётга тобора яқинлашиб кетди.

Севикли шоиримиз Ҳамид Олимжон ўз асарларида ўлкамизга кириб келган бахт ва ҳаёт баҳорини ардоқлади, зўр қийинчиликлар ва курашлар эвазига қўлга киритилган ана шу баҳор ва бахтни парвариш этишга чақирди. У ўзининг «Ўзбекистон» шеърида энди ўлкамизда синфий жанглар тамом бўлиб, мамлакат ва республикамизда социалистик тузум қарор топганлигидан, ҳаёт эса фаровон бўлиб бораётганлигидан зўр қувончларини ифодалади.

Улуғ Ватан уруши йилларида бўлса, адабиётимиз халқимиз ва армиямиз каби жанговар сафга кўтарилди. Қаламни қуролга, сўзни ўққа айлантирди. Халқимизни кураш ва галабаларга чорлашда зўр сиёсийбадиий минбар бўлиб қолди, ана шундай оғир дамларда адабиётнинг чинакам даъваткорлик қудрати яна бир бор намоён бўлди.

Сафлар олдида бўл, мард бўл,
ботир бўл,
Дўстларга ҳамоҳанг жўра бўл,
жўр бўл,
Партия ҳурмати, Ватан ҳурмати
Халқимнинг ҳурмати: голиб бўл,
зўр бўл,—

деб, жафарларга чақирди. Шоир Р. Ғуломнинг машҳур мисралари 1941 йилнинг 29 июнидаёқ пайдо бўлиб, ўша йилларда жангчиларга чексиз маънавий қудрат бахш этганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бундай мисралар қанчадан-қанча она-Ватан фарзандларини мардлик ва қаҳрамонликка, кураш ва галабага чорламади, дейсиз. Галаба йиллари ва тинч қурилиш даврларида адабиёт даврга, ҳаётга ҳамнафас бўлиб, халқ ва партия манфаатлари йўлида ҳалол хизмат этди.

Кўриниб турибдики, адабиётимизнинг туғилиши ва тараққиёти тарихи, босиб ўтган йўллари халқимизнинг тарихий ривожланиш йўли билан чамбарчас боғланиб кетган. Адабиётимиз халқимиз тарихидаги энг муҳим этапларни ва тараққиётидаги етакчи тенденцияларни ҳамиша партиявий кўз билан кўриб, ғоявий аниқлик ва принципиаллик билан ифодалашга интилди. Бу йўлдаги ҳар қандай тескари ва чиркин ғоявий курашларга қарши курашиб, камолот сари кўтарила боради. Мамлакатимизда социализмнинг узил-кесил галабасига муносиб хизмат этиб келди.

Коммунизм қурилиши авж олган ҳозирги дамларда эса, адабиётимиз ўзи яратган ана шу бой ва етакчи хусусиятларини, ҳаётбахш анъаналарини янада такомиллаштириш йўлидан бормоқда. Бу даврда партия ва халқимиз олдида муҳим вазифа кўндаланг турибди. Буларнинг бири коммунизм моддий-техника базасини яратиш билан боғлиқ бўлса, иккинчиси, янги кишини камол топтиришдан иборат бўлиб қолмоқда. Бинобарин, инсоннинг ўзини камол топтириш партиямизнинг коммунистик қурилишдаги энг муҳим, энг асосий ва бош вазифаларидан экан, бунда адабиёт ва санъатнинг роли бениҳоя катта аҳамиятга эгадир.

Адабиётимиз кенг меҳнаткаш халқ оммасини коммунистик дунёқараш руҳида, меҳнатга янгича коммунистик муносабатда бўлиш руҳида, халқлар дўстлиги ва пролетар интернационализми руҳида, ўтмиш сарқитларига муросасиз кўраш олиб бориш ва буржуа ахлоқининг ҳар қандай кўринишларига қақшатқич зарба бериш руҳида тарбиялашда партиянинг ғоявий қуроли бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади.

Қисқаси, коммунистик қурилишда иштирок этаётган инсоннинг ҳар томонлама, гармоник ривож топишида, камолга етишувида, коммунистик партия томонидан қўйилган улуғ ва улкан ишларни тўла-тўкис амалга оширишда адабиёт давр ва замон, халқ ва партия олдидаги шарафли бурчини садоқатдилдан бажаришга интилмоқда.

Долзарб пахта йиғим-терими мавсуми қизғин пус олган дамларда ижодкорлар ҳам 4 миллион 900 минг тонналик хирмон яратишда ўзларини сафарбар деб эълон қилишлари адабиёт билан ҳаёт, ижодкор билан халқ ўртасидаги алоқанинг нақадар мустаҳкамланиб бораётганлигига гувоҳ бўла олади. Улар яратган етук поэтик, драматик ва прозаик асарларда ана шу қаҳрамон пахтакорларнинг шон-шуҳрати, олижаноб фазилати, улкан меҳнатини улуғлаб келдилар, пахтакорлар образини яратишга интилдилар.

Демак, адабиётимиз ва унинг ижодкор аҳли пахта учун кураш фронтида ҳам ҳар вақт, ҳамиша она-Ватан, халқ ва партия олдидаги бурчини шараф билан адо этишга интилмоқда. Аммо, ўрни келганда шуни ҳам қайд этиш керакки, адабиётимиз бу соҳада ҳали пахтакорларнинг яратувчилик фаолиятини, қаҳрамон сиймосини, пок-шавкати-ю, олижаноб фазилатларини тўла-тўкис ва бутун борлиғи, мазмуни билан ифодалаб бераолганича йўқ. Айниқса, пахтакор фаолиятида, унинг улкан ютуқларида фан ва техниканинг ўйнаётган улкан роли масаласи, ҳозирги кун деҳқонининг янги образи етарлича ёритилмаётир. Ўйлаймизки, адабиётимиз ва унинг забардаст ижодкор аҳли бу соҳада ҳам ҳар талгидек партия ва халқ манфаатлари, коммунистик жамият мақсадларига шараф билан хизмат этади.

Собир МИРВАЛИЕВ,
филология фанлари доктори.

Беш йиллик илғорлари

ЖИЛО БЕРИБ ИПАККА...

Тўйхона. Дастурхон усти ноз-неъматларга тўла. Ҳовли саҳни сўзана, чойшаб, гулкўрпа-ю, гиламлар билан безатилган. Атроф ўзига хос гўзаллик манзара кашф этган. Кишининг баҳри-дилини очади. Қўли гул ишчиларга, чевар тикувчиларга таҳсин ўқиғинг келади.

Тўйга келганлар орасида оддийгина кийинган Ҳамидахон ҳам ўтирибди. У сўзаналарга назар ташлар экан, юраги жўшиб кетди. Ўзини гуллар чаманида юргандек ҳис этди. Ахир келин-куёвлар уйига чаманлар чиройини ҳадя этган бу гулкўрпа, чойшаб ва сўзаналарни ишлаб чиқаришда унинг ҳам ҳиссаси бор-да...

Ҳамида фабрикага 1942 йили келди. Ёш қизча тикиш-бичиш нималигини яхши билмасди ҳам. Бироқ, ўшанда сўзаналар тикиш вақтинча тўхтатилган, сўзана эмас, ҳарбийлар учун гимнастёркалар тикилар эди.

Еш тикувчи иш фаолиятини тугма қадашдан бошлади. Ўзининг эпчиллиги, зеҳнилиги, сергайратлиги билан ажралиб турарди. Тез орада машинани мустақил бошқараоладиган чевар тикувчи бўлиб етишди. Кўплар қаторн ойлик планларини ошириб бажарадиган бўлди.

Ойлар кетидан йиллар ўтди. Уруш тугади. Фабрика ўзининг асосий маҳсулотини ишлаб чиқаришга киришди. Ҳамида каштачи қизлар сафидан ўрин олди. Тикувчиликнинг энг нозик сирларини ўрганди. Мастер бўлди. 100 дан ортиқ шогирдлар тайёрлади. Улардан Ёқутхон Маҳмудова, Рафиқа Содиқова, Мастурахон Худойберганованларнинг ҳар бири ҳозирги кунда смена топшириқларини 120 процентдан кам адо этаётгани йўқ. Мастурахон Мирзаахмедова эса ҳозир 1975 йилнинг август ойи ҳисобига меҳнат қилаяпти.

Унинг участкасидаги 14 чевар бу йил 14 килограмм ёрдамчи маҳсулот, 150 киловатт-соат электр энергияси тежаб қолишга аҳд қилган. Фабрикада тайёрланаётган 43 хил буюмдан «Башорат», «Ироқи», «Севги гули» каби сержило дўппилар «Сифат белгиси» олишга муваффақ бўлди.

—Бу ютуқ билан барча қаторн мен ҳам фахрланаман, —дейди Ҳамида Шоюсупова, —биз йиллик планни 26 декабргача бажариб, 10 миллион 750 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз берганмиз. Сўзимизнинг устидан чиқиш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз.

Коммунист тўқувчи Ҳ. Шоюсупова ҳалол меҳнати туфайли «Ҳурмат белгиси» ордени, фахрий ёрлиқ ва қатор юбилей медаллари билан мукофотланган. Бир неча бор шаҳар Советига депутат қилиб сайланган.

Ҳа, Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида илғорлар сафи кенгайиб бораётир. Корхона коллективи ўн ойлик план топшириқларини муддатидан илгари адо этди. Давлатга пландан ташқари кўплаб маҳсулот топширилди.

Ҳозир фабрикада Ҳамидахон ва унинг дугоналари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейига атаб кўплаб нафис буюмлар тайёрлашмоқда. 150 дан ортиқ чевар тикувчи бугунги кунда тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи ва бешинчи йилларн ҳисобига меҳнат қиляпти. Душанбадаги бадиий буюмлар фабрикаси коллективи билан ўзаро куч синашяпти. Мусобақада уларнинг қўли баланд келяпти.

Раҳима МУҲСИМОВА,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.



Хўжалик хабарлари

УНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

Кармана гидроузели билан ёнма-ён яна бир сув иншоотн — «Ўнг соҳил» канали барпо этилмоқда. Канал тўққизинчи беш йиллик охирига бориб тўла қувват билан ишга тушади ҳамда Навоий, Конимех районлари хўжаликларида қўшимча олти-етти минг гектар янги ерларни ўзлаштириш имкониятини беради. Меҳнатсевар канал қурувчилари шу кунларда ўнинчи беш йиллик ҳисобига ишлашяпти.

Н. ҚУРБОНОВ, ишчи.

ЛОЙИҲАЧИЛАР МАДАДИ

«Узгипроавтодор» лойиҳалаш институтининг Андижон бўлими лойиҳачилари беминнат мадади ва баракали ишларидан қурувчилар хурсанд. Улар Андижон, Наманган областларидаги йўл ва кўприк бунёдкорларига белгиланган муддатлардан илгари 25 га яқин лойиҳа ҳужжатлари тайёрлаб беришди.

А. РАҲИМОВ.

БАЙРОҚДОР АВТОМОБИЛЧИЛАР

Хива автомобиль ремонти заводи ишчилари ҳал қилувчи йилнинг ўтган ойлари мобайнида эришган юксак муваффақиятлари учун «Узавторемонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишди.

С. БОБОЖОНОВ.

БИНОКОРЛАР ТУҲФАСИ

Республика Қурилиш министрлигига қарашли 15-трест бинокорлари Қўқон чарм заводининг икита йирик ишлаб чиқариш қувватини муддатидан уч ой илгари фойдаланишга топширишди. У йилига 499,6 тонна қуруқ жун ва 222,6 тонна елим тайёрлаш имкониини беради. Шунингдек, «Спецэлеватормонтаж» трести коллективи Андижонда яна бир катта элеваторни қуриб, белгиланганидан уч ой бурун ишга туширди.

Х. САИДВАЛИЕВ.

* * *


Шунингдек, редакциямизга наманганлик Т. Сулаймонов, Х. Тўраев, фарғоналик С. Мўминов, Ш. Муродуллаев, қорақалпоғистонлик Е. Утегенов, Т. Султонов, қашқадарёлик Т. Нажмиддинов, Х. Жумаев, Ш. Маҳмудов, хоразмлик Қ. Қурбонов, тошкентлик Н. Усмонова, М. Сафаров, Е. Степанов, чирчиқлик Т. Уринов, В. Серов, нарпайлик Э. Қурбонов, термизлик М. Азимов, бухоролик Ж. Йўлдошев, задарёлик С. Ғовсиддинов, урганчлик А. Эшматов ўртоқлар ҳам ўзларн яшаб ва ишлаб турган жойлардаги саноат, транспорт корхоналари ва қурилиш ташкилотларидан хушхабарлар йўллашган.





Наманган шойи ва костюмбоп газламалар комбинатида янги қувватлар ишга туширилди. Бу ерда янги технологик ускуналар ўрнатилган. Корхона 120 дан зиёд номда турли хил газламалар ишлаб чиқаради. Суратларда: (юқоридан пастга) 1. Беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари ошириб бажариш учун авж олдирилган социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган гул босиш цехининг мастери Л. Шабашева ва илғор гул босувчи О. Жалилов ўртоқлар маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти. 2. Илғор ип йигирувчи Зуҳра Боймирзаева иш устида. 3. Тўқув цехи участкаларидан бирининг кўриниши.

В. Сироткин фотолари.



Спортчи студентлар орасида

НИШОНДОРЛАР БЎЛСИН...

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институти республикамизнинг энг кенжа маърифат дарғоҳларидан бири. Бу ерда бўлган киши бўлажак автомобилсоз ва йўл қурувчилари спортга меҳр қўйганликларининг шоҳидн бўлади. Спорт майдончалари ва машғулот заллари тез-тез гавжумланиб туради.

Институт ёшлари шу йилги Бутуниттифоқ автомобиль транспорти ва йўллари олий ўқув юртларининг анъанавий спартакиадасида муваффақиятли иштирок этдилар. Жумладан футбол мусобақаларида биринчиликни эгаллаган бўлишса, баскетбол ўйинларида учинчи фахрли ўринга чиқишди. Ҳозирги кунда студент спортчилар орасида уч мастер, ўн мастерликка номзод ва 70 дан зиёд разрядлилар бор. Факультетлардаги спорт секцияларида ёшлар институт шарафини муносиб ҳимоя этишга уриняптилар. Аммо спортни оммавий тус олдириш талаблар даражасида эмас.

Ўтган йили жорий этилган Бутуниттифоқ янги жисмоний тарбия комплекси — «Меҳнат ва Ватан мудофаасига тайёр!» босқичлари бўйича нормативларни топшириш ҳануз йўлга қўйилмаган. Нишондорлик учун кураш ҳамон оммавий тус олмаяпти. Тўғри, институтнинг ўқув ишлари бўйича ректори Ўринбосари, доцент О. Ганихўжаев бошлиқ 8 кишидан иборат ГТО комплексини топшириш комиссияси тузилган. Қизиғи шундаки, комиссия аъзоларига ГТО нишондорларидан биргина киши киритилди. Улар олти марта йиғилишди. Ҳар гал ГТО нормативини топшириш ҳақида гап юритилди. Протоколлар ёзилиб, қарорлар ҳам чиқарилди. Лекин иш қоғозбозликдан нари ўтмади. Натижасиз қолди.

Бугунгача институтнинг 2100 студентидан атиги 168 киши ГТО комплексининг айрим босқичлари бўйича дуруст натижага эришган. Аммо, бунинг ажабланарли ери шундаки, нишондорлар орасида студент қизлар йўқ. ГТО босқичларидан муваффақиятли ўтганларга ҳанузгача кўкрак нишонлари берилмаган.

Жисмоний тарбия кафедрасининг мудири В. Каданцевнинг айтишича, ҳамма гап маблағда. Спорт клубининг раиси В. Корниловнинг гапига қараганда маблағ бор-у, шу иш билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳозирча буюртма қабул қилишмаётганмиш. Бундай ўзига яраша муаммони студентлар фойдасига ҳал этишда институт комсомол ташкилоти активларининг фаолиятини ошириш пайти келмадимикан?

Олий ўқув юртларида одатда жисмоний тарбия кафедралари спорт ишларини юритиш бўйича намуна кўрсатишлари керак. Лекин, негадир автомобилсозлар институтида жисмоний тарбия кафедрасидаги 12 ходимнинг бирортаси ҳам ГТО нормативларини топширмаган. Бундай аҳволда студент-спортчилар кимга эргашадилар-у, кимдан ибрат оладилар?! Янги комплекс нормативлари йигитларга ҳам, қизларга ҳам бирдай бўлганидек, босқичлари бўйича ёш ўтган кишиларга ҳам муносиб талаблар қўйилган. Соғлом, тетик ва бардам юришни истаганларгина спортнинг ГТО тури билан ошналашадилар. Шу жиҳатдан қараганда, спорт билан ёшлар шуғуллансин қабилида иш тутмай ўқитувчи ва профессорлар ҳам ўз талабаларига ибрат кўрсатишса умумҳаракатнинг оммавий тус олишида муҳим босқич бўларди.

Яқиндан бошлаб граждан мудофааси бўйича ҳам машғулотлар бошлаб юборилди. Илгари ГТО нишондорлиги ва граждан мудофааси курси бўйича машғулотлар алоҳида ўтказилар эди. Эндиликда ҳар иккала ишни қўшиб олиб борилиши студент-спортчилар ўртасида жисмоний тарбия ишларини яхшилаш учун имкон беряпти. Хулоса қилиб айтганда, кенжа олий ўқув юртида спорт ишларини яхши йўлга қўйиш, институт шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган йигит-қизлар сафини кенгайтиришда барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётир.

Р. ШЕРАЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. —12.15 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.10 — Мультфильм. 18.30 — — Спорт программаси. 19.00 — **«Ғалабангиз билан пахтакорлар!». Тожикистон пахтакорларининг меҳнат ғалабасига бағишланган кўрсатув ва концерт. 20.30** — Ахборот 21.00 — МОСКВА. «ВАҚТ» **Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонда бўлишига доир.** 22.00 — **Футбол: «ДИНАМО»** (Киев) — «ШТУТТГАРТ» (ГФР). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** — 18.00 — МОСКВА. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — **Ягона гувоҳ** (фильм-спектакль). 21.00 — ТОШКЕНТ. Кинокўрсатув. 22.00 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 22.30 — СССР халқлари адабиёти. Константин Симонов.. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Фильм-концерт. 21.00 — **Бир умрга тенг йил** (бадиий фильмнинг 1-серияси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/XI да **Концерт,** (ўзбек тилида), 28/XI да **Марварид изловчилар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/XI да **Ой тутилган тунда,** 28/XI да **Абу Райҳон Беруний.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/XI да **Ужарлар,** 29/XI да **Хотинимнинг эри.**

КИНО

Қум карьери генераллари — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). ҲАМЗА номли (17.00, 19.00, 20.45). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 16.00).

Привалов миллионлари (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт сеатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Кашмирдаги севги — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Сайҳа — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Анупама — Ғ. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Мушук излари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Манеж қироли — «СПУТНИК» (11.00, 12.00).

Жавоҳир маликасига ҳужум — ҲАМЗА номли (11.00, 13.00, 15.00), «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

«СОЮЗЛИФТМОНТАЖ» ТРЕСТИ электроподъёмниклар (лифтлар) бўйича слесарь-монтажчилар тайёрлайдиган 6 ойлик курсларга

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларга Совет Армияси сафида хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинади.

Машғулотлар трести и н г Свердловск шаҳридаги ўқув комбинатида ўтказилади.

Ўқиш даврида 76 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

ЎҚУВЧИЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Чилонзор» массиви, 6-квартал. Телефон № 77-66-82.

ДЕНОВ ЁҒ ЭКСТРАКЦИОН ЗАВОДИГА

технологик ускуналарга хизмат кўрсатиш бўйича 3, 4, 5, 6 разрядли ишчилар (эркаклар ва аёллар). ускуналарни тузатиш бўйича слесарлар, электр қурилмаларига хизмат кўрсатиш учун электрчилар, техник-технологлар, механиклар, инженер-технологлар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — вақтбай. мукофотли,

Турар-жой берилади.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Сурхондарё область, Денов шаҳри.

БАРАКАЛИ УМР

ТЎЙҲАТ

Ҳақиқий санъаткор икки ҳаёт соҳиби бўлади, дейди халқимиз. Бири табиат ато этган ҳаёт бўлса, иккинчиси унинг одамлар қалбида, хотирасида нурли из қолдирган санъатдаги ҳаётидир. Ўзбекистон ССР халқ артисти Карим Хонкелдиев ана шундай қўшалоқ умрдан барака топганлардан.

Карим аканинг артистлик истеъдоди ёшлигидаёқ томошабинлар эътиборини тортган эди. Мана, қирқ йилдан буён ҳаёт дарсхонаси — театр саҳнасидан туриб элимизга хизмат қилиб келмоқда. 1930 йилларда Андижон музикали драма ва комедия театрида саҳналаштирилган спектаклларни доимо кўриб борадиган садоқатли мухлислари орасида сойгузарлик новвойнинг ўғли, ишчи йигит Каримжон ҳам бўларди. У саҳна усталарининг ижодий меҳнат — машқларини синчковлик билан кузатар, улар тўпланадиган давраларга ошиқар, улар сафида бўлишни орзу қиларди. Ниқилоб, эркинлик, озод меҳнат, янги турмуш, ишчи-деҳқон бирлиги, коллективлаштириш ҳақидаги тароналарни ана ўшалардан ўрганди. Уларга қўшилиб қўшиқлар айтадиган бўлди. Т. Жалилов, О. Нуриддинов, А. Каримов каби таниқли санъаткорлар унинг ижодий ўсишига ҳар томонлама ёрдам бердилар, санъатни, санъаткор деган номни эъзозлашни ўргатдилар. Андижон театри ўша пайтларда ўзбек совет драматургиясининг асосчилари Ҳ. Ҳ. Ниёзий, К. Яшин, рус адабиёти классиклари, жаҳон драматургларининг йирик асарларини саҳнага қўйиб бой тажриба орттирган, томошабинлар ўртасида шуҳрат қозонган эди.

Каримжон саҳна илмини чуқур эгаллаган режиссёр, санъаткорлар М. Баҳодиров, А. Бакиров, А. Раҳмонов, В. Азимовлар кўрсатган маслаҳатларга амал қилиб, ижодий изланишни қунт ва чидам билан давом эттирди. Болаларга мўлжалланган спектакларда бўй кўрсатган ёш артистга тез орада йирик ролларни ҳам ишониб топширадиган бўлдилар. К. Хонкелдиев театр саҳнасида қўйилган «Ҳалима» спектаклида Неъмат, «Бой ила хизматчи»да Холмат, «Лайли ва Мажнун»да Мажнуннинг отаси, «Қалтис ҳазил»да Турди посон ролларини муваффақиятли ижро этди. Артист яратган саҳна образлари қаторида инқилобни олқишлаган оддий меҳнаткаш, совет ҳокимиятини душманлардан ҳимоя қилишга жонини тиккан революционерлар, урушда жасорат кўрсатган жангчи, ишию амали, фидокорлиги билан замондошларимизга ибрат бўлаолади ган инсонларни кўришимиз мумкин. К. Хонкелдиев салбий характердаги кишилар образини яратишда ҳам ўз маҳоратини кўрсатди. Унинг ижросидаги Гоголнинг «Уйланиш» пьесасидаги Жевакин, Ҳамзанинг «Холисхон» пьесасидаги Мирзараим қора, А. Раҳматнинг Абдулла Набиев пьесасидаги Тўрабек, Б. Раҳмоновнинг «Мардлар қиссаси»даги Нишонбек қўрбоши роллари



фикримизга мисол бўлаолади.

К. Хонкелдиев Андижон театри саҳнасида чорак аср меҳнат қилиб, уч юзга яқин турли характердаги образлар яратди. 1952 йили республика театр санъатини ривожлантиришдаги хизматларини муносиб тақдирлаб, унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берилди.

Карим Хонкелдиев 1958 йилдан буён Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрининг етакчи артистидир. Бу театр саҳнасида ўттизга яқин спектаклларда катнашиб, турли ёшдаги, ҳар хил характердаги кишилар қиёфасини, турли-туман жониворлар образини кичкинтой укаларимиз, ўсмирлар кўз ўнгида ишонарли қилиб гавдалантирди. Санъаткор болалар табиати, уларнинг ҳатти-ҳаракатларини яхши билади. Болалар дунёсига чуқур кириб боришга ҳаракат қилади.

Карим Хонкелдиев меҳнатсевар, тиниб-тинчимас санъаткор. У ўн йилдирки, «Зангори экран» орқали болаларнинг севимли телевизион журнали «Юлдузча» саҳифаларида, катталар учун бериладиган «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» туркумидаги кўрсатувларда миллионлаб томошабинлар билан учрашиб туради. Бирида билимдон отахон сиймосида кўриниб болаларни зийракликка, топқирликка, дўстлик, ҳамжиҳатликка ўргатса, иккинчисида ёш авлодни олижаноб фазилатлар эгаси қилиб тарбиялаш, бола тарбиясида оила, мактаб, жамоатчиликнинг ролини ошириш каби жиддий, ҳаётий масалаларни ўртага ташлайди. Хусусан, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» туркумидаги кўрсатувлар томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинмоқда. Кўрсатувнинг доимий ва бош ижрочиси Карим Хонкелдиев нуроний отахон қиёфасида ўзининг самимийлиги, бой ҳаёт тажрибаси, санъаткорлик маҳорати билан томошабинлар қалбини забт этаяпти. Унинг қаҳрамони кишиларимизнинг яхши фазилатларини улуғлайди, инсон меҳнатини қадрлашга даъват этади. Қолоқлик, эски тушунча, турмушимизда учрайдиган баъзи камчиликларга қарши аччиқ сўзларини аямайди. Кўрсатувлардаги масалаларга ўз муносабатларини билдиради.

«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» артистнинг ижодий кашфиёти ҳисобланади. Бу кўрсатув ўз мухлисларини топди. Томошабинлар томонидан севилиб кўриладиган бўлиб қолди. Ҳатто қўшни кардош республикаларда ҳам мароқ билан томоша қилинаётганлиги редакцияга келиб турган кўп сонли хатлардан ҳам маълум.

Карим Хонкелдиев ўзининг қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида театр санъати ҳамда телевидение кўрсатувларининг равнақи, ривожига муносиб улуш қўшиб келмоқда. Унинг Ўзбекистонда театр санъатининг ривожига қўшаётган ҳиссалари юксак қадрланди. 1964 йили унга «Ўзбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони берилди.

Шу кунларда севимли санъаткор қуёшли республикамизнинг тўйига муносиб тўёна ҳозирлаш устида жўшиб ижодий меҳнат қилаяпти.

Карим Хонкелдиев 60 ёшга кирди. Севимли санъаткорни дўстлари, саҳнадошлари, шогирдлари, мухлислари қатори кўп сонли газетхонлар номидан биз ҳам қизғин қутлаймиз, саломатлик, янги муваффақиятлар тилаймиз.

А. КАРИМОВ.

ҚАТРАЛАР

Хирмонлар шўъласи

Далалар сукунатда. Дарахтлар ярим ялангоч. Қушлар ухлаган.

Булутлар соядек тентираб юрар. Ойнинг ёруғида гўзал Қашқа кумуш бўлиб товланар. Ер Ой ёруғидан эмас, ички бир шуъладан нур сочиб турибди. Бу жило, Ер фарзандлари — пахтакорим яратган оқ тоғлардан.

Кўзинг қаро бўлсин, майли...

Мен оппоқ тонгларни ёқтираман. Оппоқ тонгдай хирмонларни.

Оқда ҳикмат кўп... она сути — оқ. Олма гули — оқ. Доно бобом сочи, дўстнинг қалби оқ.

Осуда субҳидам,
Яхши ният — оқ.
Ноз қилади сарвигулим:
— Шаҳло кўзим ёқмайдими?
— Майли, — дейман — кўзинг қора бўлсин.
Лекин ишинг, ичинг қора бўлмасин!

Қилмишларингдан қора кўзлар ёшга тўлмасин!

Оппоқ кунда бўлган олчоқлик, муҳаббат деб алданган вафо — қора тундан хавфлироқ.

Қалби кўрдан юр йироқ!

Элак

Супра ёзиб, қопдан ун олиб, элакдан ўтказар онам.

Қипиқ, қилтиқ, хас-чўпларни беради менга:
— Бор, охирга сол!

Оқ ун, юмшоқ хамир. Тандирдан олтин ранг иссиқ кулча бўлиб чиқади.

Қани дейман, одам зотининг ҳам ўз элаги бўлса.

Дўст орттирганим

Оқни қора десам, кулгини йиғи. Тўла бошоқ қолиб, пучни сийласам,

Дўстни лавозимга қараб танласам, Токи лаънат сиртмоғини бўйнимга илганим шу!

Кўз-кўзга тушганда тавлосламай, бировнинг орқасидан— миш-мишлар тошин отмай, юзма-юз турганда аччиқ ҳақни айтолсам, чидай олса шунга кек сақламай —

Яна бир дўст орттирганим шу!
Хиёнат қилмасам дўстга,
диёра,
Бу дунёдан бахтли кўз
юмганим шу!

Сувли нутқ

Минбарда нотиқ. Ёнида графин, стакан. Маърузасин бошлашдан олдин тўйиб сув ичди.

Ярим соат сўзлаб, яна ичди.

Бировни кулдирмади.

Бировни йиғлатмади — ҳаво га совурилган нутқ. На иссиғи бор. На совуғи. На аччиқ, на чучук.

Нутқи ўзи — сув, уни яна суғорди, атрофга сув пуркаб, минбардан тушиб кетди.

Одамларни чанқоқ қолдириб кетди.

Турналар нидоси

Мирзачўл киндигидаги Янгиер шаҳри. Чорраҳада турибман. Йўллардан ўтиб бораётган пахта карвонларининг учи-адоғи кўринмайди.

— Кузнинг иши кулдан кўп, — дейди янги ердаги «Фарғона» совхозининг тажрибали деҳқони... Назаров.

Арнасай томондан арғамчи тортиб турналар карвони ҳам ўтиб боряпти.

**Кўкда учган турналар,
Янги ерга қўнибди.
Меҳринг саҳоватидан
Чўлда баҳор унибди.**

Чорраҳада маъюс она ҳайкали. У ҳавода сузиб юрган ипакдек мезон тўрларига, турналар арғимчоғига термулиб тургандек назаримда.

Турналар учяпти

Булар турналар эмас, исмшарифи мармар тошга битилиб қолган йигитлар.

Булар онаизорларнинг жигаргўшалари.

Саҳий қўёш олов селини сочиб турибди. Бу нур эмас, ўша йигитлар кўзида чақнаган ўт, севгилисини эслаганда ҳали-ҳали эътикадиган жувонларнинг кўзида ловиллаган ёлқин бу.

Ўша, турналарга айланган йигитлар булар.

Она диёрнинг тиниқ осмони, деҳқон кўнглидек кенг пахтазорларини, тог-тог хирмонларини соғиниб, қўмсаб келган. Ҳосил тўйини кўришга келган.

**Нома ёзар бўз йигит:
Келгин, чўлим бўстондир.
Боғларим шовуллаши
Сенга завқли достондир.**

Мирзачўл устидан турналар учиб боряпти. Турналар...

Самар НУРОВ.

Баҳри Ғуломовна ҒУЛОМОВА

Ажойиб инсон, сезгир ва меҳрибон ўртоқ, 1940 йилдан КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмаси бошлиғи Баҳри Ғуломовна Ғуломовани ўлим орамиздан олиб кетди.

Ўртоқ Б. Ғ. Ғуломова 1911 йилда Тошкентда туғилди, жуда эрта ота-онадан етим қолди, акаси қарамоғида тарбияланди. У 1929 йилда хотин-қизлар педагогика техникумини, 1931 йилда эса Ўрта Осиё Коммунистик университетининг комсомол бўлимини тамомлади. 1936—1938 йилларда у ВЦСПС қошидаги касаба союз ҳаракати Олий мактабининг тингловчиси бўлди.

Ўртоқ Б. Ғ. Ғуломова узоқ йиллар мобайнида Узсовпроф системасида ишлади, кейинчалик Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратига ишга кўтарилиб, инструктор, сўнгра сектор мудири лавозимида ишлади.

1953 йилдан бошлаб Ўртоқ Б. Ғ. Ғуломова Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ташриёт ишлари, полиграфия ва китоб савдоси бўйича Давлат комитетининг Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмасига узлуксиз раҳбарлик қилиб келди, мазкур Давлат комитети коллегияси аъзоси, СССР Журналистлар союзининг аъзоси эди. Тиниб-тинчимас ташкилотчи ва китоб тарғиботчиси Ўртоқ Б. Ғ. Ғуломова Ўзбекистонда китоб савдоси тараққиёти учун ва адабиётларни тарқатишнинг жамоат формаларини ривожлантириш учун жуда кўп иш қилди.

Ўртоқ Б. Ғ. Ғуломованинг республикада китоб савдосини янада яхшилаш ва ривожлантириш соҳасидаги кўп қиррали фаолияти партия ва ҳукуматимиз томонидан юқори тақдирланди: у Меҳнат Қизил байроқ ордени, икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени ва бир қанча медаллар ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Ўртоқ Б. Ғ. Ғуломова ҳаётининг сўнгги дақиқасигача севимли ишига садоқат намунасини намойиш этган ҳолда ўз постида қолди. Баҳри Ғуломованинг ёрқин хотираси қалбимизда мангу яшайди.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Совет Ўзбекистони Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ● ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Б — 279. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 02872.